

АРАБ-ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ КОМБИНАЦИЯСИДА
СИНХРОН ТАРЖИМА:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-27-22-29>

Ж.Абдупаттахов

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

«Шарқ тиллари» кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

jahon1124gir@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада араб–ўзбек тиллари комбинациясида синхрон таржиманинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинади. Унда синхрон таржима жараёнида юзага келадиган асосий муаммолар, жумладан, ахборот танқислиги, нутқнинг тезлиги, ихтисослашган атамалар, грамматик ва маданий тафовутлар ҳамда маҳаллий лаҳжаларнинг таъсири ёритиб берилади. Шунингдек, ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилган самарали ечимлар, касбий кўникмаларни ривожлантириш усуллари ва синхрон таржимон учун зарур бўлган асосий компетенциялар баён этилади. Тадқиқот натижалари араб тилидан ўзбек тилига синхрон таржима қилувчи мутахассислар, таржимонлик соҳаси талабалари ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар билан шуғулланувчи изланувчилар учун амалий аҳамият касб этади.

Калим сўзлар: синхрон таржима, оғзаки таржима, араб–ўзбек тиллари, таржима муаммолари, таржимон компетенцияси, нутқ таҳлили, маданиятлараро мулоқот.

SIMULTANEOUS INTERPRETATION IN THE ARABIC–UZBEK
LANGUAGE COMBINATION:
PROBLEMS AND SOLUTIONS

J. Abdupattakhov

University of World Economy and Diplomacy

Senior Lecturer, Department of Oriental Languages

Tashkent, Uzbekistan

jahon1124gir@gmail.com

Abstract. This article examines the theoretical and practical aspects of simultaneous interpretation in the Arabic–Uzbek language combination. It analyzes the major challenges encountered in the process of simultaneous translation,

including information deficiency, rapid speech delivery, specialized terminology, grammatical and cultural differences, as well as the influence of regional dialects. The study also proposes effective solutions and practical recommendations aimed at overcoming these difficulties, highlighting the essential skills and competencies required of a professional simultaneous interpreter. The findings of the research are of practical value for Arabic–Uzbek interpreters, students of translation studies, and researchers engaged in linguistic and translation-related studies.

Keywords: simultaneous interpretation, oral translation, Arabic–Uzbek language pair, translation challenges, interpreter competence, speech analysis, intercultural communication.

СИНХРОННЫЙ ПЕРЕВОД В АРАБО-УЗБЕКСКОЙ ЯЗЫКОВОЙ КОМБИНАЦИИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты синхронного перевода в арабо-узбекской языковой комбинации. Анализируются основные проблемы, возникающие в процессе синхронного перевода, такие как дефицит информации, высокая скорость речи, использование специализированной терминологии, грамматические и культурные различия, а также влияние местных диалектов. Кроме того, предлагаются эффективные пути решения указанных проблем, раскрываются методы повышения профессиональных навыков и определяются ключевые компетенции, необходимые синхронному переводчику. Материалы статьи представляют практическую ценность для переводчиков-арабистов, студентов переводческих специальностей и исследователей в области переводоведения.

Ключевые слова: синхронный перевод, устный перевод, арабо-узбекская языковая пара, проблемы перевода, компетенция переводчика, анализ речи, межкультурная коммуникация.

Инновацион таракқиёт ва глобаллашув жараёнлари камраб олган ҳозирги жамиятларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-молиявий ҳаётида таржиманинг тутган ўрни беқиёс. Бугунги кунда жамиятларнинг ҳаётини умумжаҳон ахборот тизими-интернет орқали маълумотлар алмашинуви ва ранг-баранг маданиятлараро мулоқотларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Табиийки, ахборот алмашинуви ва ижтимоий мулоқот таржимасиз амалга ошмайди. Турли тил вакиллари бир-бирини тушуна олмаслиги сабабли урушлар очилгани, кўп йиллик ҳаётий мулоқотлар узил-кесил тўхтатилгани

тарихдан барчамизга маълум. Таржима – бу бир тилдан бошқа бир (ўгирилаётган) тилга сўзларни ўгириб беришдангина иборат эмас, балки гапнинг мазмун-моҳиятини ҳам етказиб беришдир. Кўп ҳолларда таржима ўзига хос бир вазифа-рисолани ўтайди.

Ҳозирги кунда ҳар бир суверен давлат учун ташқи алоқалар улкан аҳамият касб этади. Кўп ҳолларда давлат раҳбарлари ўзга давлат вакиллари билан учрашувларда ўз қарашларини баён қилишларига тўғри келади. Шундай вазиятларда таржимон йўл қўган ҳар қандай ноаниқлик ёки хатолик кутилмаган ноҳуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Кўпинча халқаро мулоқотларнинг муваффақияти таржима сифатига ҳам боғлиқ. Шундай қилиб, оғзаки таржима асносида (араб тили мисолида) таржимон дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан бохабар бўлиши унга келгусида касбий хатолар олдини олишда амалий ёрдами тегади.

Таржима – бу асл тилдаги хабарни таржима қилинаётган тилдаги хабарга ўгириш. Жаҳон тилларига хос маданий тафовутдан ташқари, уларнинг грамматик тузилиш ва сўз бойлиги жиҳатдан ўзаро фарқ қилади, шу боис, аниқ таржимага эришиш анча мушкул иш ҳисобланади.

Таржиманинг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Ёзма таржимада асл тилдаги хабарнинг таржимаси тайёр матнлар асосида амалга оширилади. Матн манба вазифасини ўтагани боис таржимон унга қайта мурожаат эта олади ва маънони янада чуқурроқ ҳис эта олиш имконияти унга қўл келади. Пировард натижада, матннинг таржима йўсин(вариант)ларига тузатиш ва аниқлик киритиш имконияти мавжуд бўлади.

Оғзаки таржимада асл тилдаги хабарнинг таржимаси тайёр матнга таянмаган (оғзаки) шаклда юзага келади. Яъни, таржимон бир маротаба тинглашга улгирган нотиқнинг сўзларини тушуниб бориши ва бирин кетин асл тилдаги хабарни ўгирилаётган тилдаги хабарга ўгириб бориши бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Бу эса, асл тилдаги хабар билан унинг таржимасини қайта таққослаш ва янада аниқроқ вариантини олдиндан танлаш имкониятини бермайди.

Оғзаки таржима *изчил* (последовательный перевод - ترجمة متتالية) ёки *синхрон* (дарҳол - ترجمة فورية) тарзда амалга оширилиши мумкин. Изчил таржимада таржимон нотиқ тарафидан ифода этилган маълум бир фикрни нутқдаги тинишдан фойдаланиб таржима қилинаётган тилга ўгириб беради. Синхрон таржимада нотиқ ўз фикрларини бетиним баён қилади, таржимон унга ҳамнафас бўлиб таржимани амалга ошириб боради.

Синхрон таржима – оғзаки таржимонда касбий маҳоратнинг энг чўққи белгиларидан бири. Негаки, у ўта мураккаб жараён, кўпгина таржимонлар

учун у етишиб бўлмас даража бўлиб, армонлигича қолиб кетади. Синхрон таржима – оғзаки таржима соҳасида ўта масъулиятли ва етарли даражада мураккаб йўналиш ҳисобланади, зеро муваффақиятли синхрон таржима таржимондан махсус тайёргарлик, ноёб кўникма ва малакаларни талаб этади, қолаверса, орттирилган улкан тажрибанинг ўрни бекиёс.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк дамларидан бошлаб синхрон таржимонларга талаб шаклланди ва синхрон таржима изчил таржима ўрнини эгаллай бошлади. Соҳадаги техник мосламаларнинг илғорлаб кетиши ва ҳар жабҳада унга талаб ортиши кетидан синхрон таржиманинг жадал суратларда ривожланишига туртки бўлди десак муболаға бўлмайди. Айниқса, халқаро анжуманларда синхрон таржимонларга талаб ортиб бормоқда. Негаки, 2 жаҳон урушигача анжуманлар иккита халқаро тил: инглиз ва француз тилларида олиб бориларди. Урушдан кейин халқаро анжуманлар олиб бориладиган тиллар қаторига рус, испан, хитой, ҳиндий, лотин ва араб тиллари қўшилди. 20 асрда юз бера бошлаган глобаллашув жараёнлари кетидан бу рўйхат кенгайиб борди. 2020 йил БМТ минбаридан илк бора ўзбек тилида нутқ сўзлангани билан тарих саҳифаларида муҳрланиб қолди.

Синхрон таржимонда кузатиладиган муаммоли ҳолат – бу матн ёки нутқда учрайдиган айрим сўз ёки иборалар ифода этган маъноларни тингловчига етказиб беришда тутилиб қолиш ёки ўгирилаётган тилда унинг муқобил(алтернатив)и топилмасмаслигидир. Бундай ҳолатдан чиқиб кетиш учун таржимон биронта маънодош сўз ёки иборани топиб таржима қилинаётган тилга ўгириб беради, бироқ асл тилнинг маънавий ва ғоявий тусини етказа олмагани кузатилади.

Синхрон таржимонда кузатиладиган айрим муаммоларнинг сабаблари:

1. Маълумот ва ахборотнинг танқислиги. Таржимон айрим маълумотлардан етарли бохабар бўлмаса нотиқнинг фикрини тўла илғаб ололмайди. Бунинг сабаби, таржимонга номаълум мавзунинг ёки соҳа ҳақида сўз бориши ҳамда нотиқнинг тез сўзлаши.

2. Чалкаш ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар тақдимоти. Синхрон таржимон очикланмаган ёки бошқа бирор воқеага алоқадор ёйинки ҳақиқатда тўлиқ ёритилмаган маълумотларга дуч келганида, у таржимада тўқис ифодага эриша олмайдиган, айтиш пайтда, юлуқ-юлуқ жумла ва ифодалар юзага келади.

3. Диққатни жамлаш ва қунт билан тинглашдаги машаққат. Синхрон таржимон диққатини тинимсиз жамлаб туриш ва бошқа нарсаларга чалғимасдан тинглаш жараёнида кўп қувватини йўқотади, бу ҳолат ўз навбатида, таржимонда кучли толиқишни юзага келтиради, чунки у бир вақтнинг ўзида нотиқ шахс ёки шахсларнинг суҳбатини тинглайди ва нутқни

англаб олиш устида ишлайди. Таржимон эшитаётган нутқни дарҳол (синхрон тарзда) тингловчига ўгириб, маъносини етказишга киришади. Шунинг учун таржимоннинг вазифаси оғир ҳисобланади. Бу каби босим остида ишлашдан кўп қувватни йўқотиш, тинглаётган сўзни шу заҳотиёқ ўгириб, маъносини етказиб беришда машаққат юзага келади.

4. Нутқ таҳлилида нўноқлик. Синхрон таржимада урф бўлган тамоил шуки, кунт билан тингланмаган нутқ чала тушунилади, кетидан, маъруза, суҳбат, савол-жавоблар кўринишидаги сўзлашув таржимаси ҳам ноаниқ ёки нодуруст тус касб этади.

Таржимада бўшлиқ ёки ифода занжирида узилиш пайдо бўлади, маънолар ифодаси бўш, хира бўлиб, маъруза, суҳбат ёки сўзлашувдан кўзланган мақсад-мурод тўлиқ очилмай қолади.

5. Нотиқ ёки нотиқларнинг тез сўзлашуви. Бир томон ёки икки томон нутқ сўзлашда чопқир ва чаққон бўлсалар, синхрон таржимон нотиқдан қолиб кетмасдан, унга ҳамоҳанг ўгириб бориши қийин кечади. Бундай ҳолатда таржимон етказиб берадиган маълумотлар тизимида камчилик ва нуқсон, гап сиёқида узилиш кузатилиши мумкин, кетидан, нотиқ билан тингловчилар орасида фикрларни тушунишда жарлик юзага келиши кузатилади.

6. Ихтисослашган соҳа атамалари қўлланиши. Синхрон таржимонлар, кўпинча, тиббиёт, илм-фан, фан-техника, қонунчилик атамаларини таржима қилишда қийинчиликка дуч келадилар. Синхрон таржимон қурултой (конференция), симпозиум ёки бошқа кўринишдаги учрашувларда ишлатиладиган атамалардан хабардор бўлиши учун суҳбат мавзуси ёки маърузалар режаси билан олдиндан танишиб олиши даркор. Синхрон таржимон атамалар маъносини атрофлича ёки айрим ҳолларда мухтасар шаклда ўрганиб чиқиши учун унинг қўли остида тезкор таржима манбалари ёки электрон қомуслар шай туриши мақсадга мувофиқ. Агар нутқ сиёсий мавзуга алоқадор бўлса, албатта, синхрон таржимон соҳага оид атамалар билан танишиб чиқмоғи, қолаверса, тиббиёт, илм-фан, техника, ижтимоий ва маданий атамалар билан яқиндан танишиб бориши даркор.

7. Синхрон таржимон асл тилдга ўгираётган нутқнинг маҳаллий лаҳжа ёки шеваларда сўзланиши. Таржима қилинадиган суҳбат ёки нутқ бирор бир шаҳар ё маскан аҳолисига хос шева ёки лаҳжада олиб борилса, бу ҳолат синхрон таржимон учун кутилмаган “совға”га айланиб, таржима жараёнида унинг фикрлари сочилиб кетишига сабаб бўлади. Қарабсизки, гапнинг сиёқи(оқими)ни тўла тушуниб етмагач, фикрни етказиш ифодасида узилиш юз беради, ҳатто маълумотлар ўзаро боғланмай қолиши кузатилади. Шунинг

учун расмий лаҳжада олиб бориладиган учрашувларнинг синхрон таржимаси осон кечади.

Синхрон таржимон учун кўрсатма ва ечимлар.

Синхрон таржиманинг қийинчиликларини енгиб ўтишда қўл келадиган бир қанча кўрсатмаларни тавсия қилишади:

1. Нутқ сиёқини кузатиб бориб, қандай якун топишини сеза билиш.

Синхрон таржима соҳасида кўп йиллик тажриба тўплаган синхрон таржимонлар нотиқнинг тугатаётган жумласи тугамасидан бир неча сония олдиндан қандай тугалланишини сеза олишади, йиллар давомида ривожланган бу ички туйғуга таржимонлар таянишади. Бу хислат таржимонга қўл келади ва у гап сиёқига қараб, жумланинг охириги бўлаги қандай тугалланиши олдиндан билгандай фикрларни теран етказа олади.

2. Шошилмаслик. Синхрон таржимага асос бўлган мавзу ёки маърузанинг маъносини етказишда шошма-шошарликка йўл қўймаслик лозим. Таржимани бошлаш ёки давом эттиришдан аввал бир неча сония ичида тиниш олиб, кейин сўзга оғиз очиши ҳам мумкин. Бундай йўл тутиш таржимон учун маънони тугал ва тиниқ ифода шаклида тузишга қўшимча имкон беради.

3. Дикқатни жамлаб бориш. Синхрон таржимага киришилган пайтда таржимон дикқатини жамлаб, нотиқ қўллаётган атамаларнинг маъносига бутун эътиборини қаратиши лозим. Таржимон таржима жараёнига алоқадор ўта аҳамиятли ҳолатлардан ўзга пайтда атроф-муҳитга чалғимаслиги керак.

4. Ўз устида ишлаш, қайта-қайта машқ қилиш. Маҳоратни оширишга қаратилган машқларни такрор-такрор бажариб бориш синхрон таржима соҳасида касбий маҳоратнинг юксалишига туртки бўлади. Бундай машқларни ташкил этишда таржимон ўз дўстини ёрдамидан фойдаланиши ва унинг гапларини бошқа тилга ўгириб бориши лозим бўлади.

5. Бадиҳа-ҳозиржавобликни ўстиришга қаратилган ўйинлар. Kahoot, Preply, AI Note Taker, Ask AI, YouTube каби қатор электрон платформа ва иловалар борки, улар кўмагида таржима кўникмаларини ривожлантириш тавсия этилади. Бу платформалар бир тилдан бошқа тилга ўгириладиган хабарларнинг маъносини тез илғаб олиш ва ҳозиржавоб бўлишга кўмаклашади. Бундай платформалар негизида ишлаб чиқилган сунъий идрок ўйинлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бир қаторда тил ўрганувчига дам берувчи машқлар билан ҳам шуғулланиб бориш тавсия этилади. Бу туркумга ўзига оро бериш, хордиқ чиқариш, тезкор таржима устида машқлар бажариш кабилар киради.

Юқорида келтирилган муаммо ва ечимлардан келиб чиққан ҳолда хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, синхрон таржимонга қўйиладиган бирламчи талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Она ва чет тилларда эркин сўзлаша олиш;
2. Равон нутқ;
3. Бой луғат захираси;
4. Қолип ибора ва ифода(клише)ларни етарлича билиш ва ўрни келганида қўллай олиш;
5. Бадиҳа – ҳозиржавоблик;
6. Кунт, диққатни жамлаш;
7. Чидам ва матонат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Виссон Л. Синхронный перевод. – М., 1998. – 276с.
2. Шараварова А. Заяц Т. Синхронный перевод: история, теория и практика. – Владивосток., 2017.
3. Abdupattakhov, J.M. (2024) Composition of diplomatic correspondence (example Arab Republic of Egypt (2021). Diplomatiik yozishmalarning tuzilishidagi xosliklar (Misr Arab Respublikasi misolida). The international scientific-practical conference on the topic “Foreign language in professional communication”. ISSN:2181-1784 4(25), Dec., 2024 UDK:801.82 200-208 p. (in Uzbek) <https://doi.org/10.5281/zenodo.14413120>
4. Abdupattaxov, J.M. Simultaneous translation in the Arabic-Uzbek combination: problems and solutions. Arab-o‘zbek kombinatsiyasida sinxron tarjima: muammolar va echimlar // Sharq Mash’ali scientific journal. Volume 4, 2021. ISSN 2010-9709 53-57 p. (in Uzbek)
5. Abdupattaxov, J.M. (2021) Arabic language. Part One. Arab tili.1-qism. – Toshent: TSUOS. – Number of permission 237-392 (31), May, 2021 152-156 p. (in Uzbek)
6. Abdupattaxov, J.M. (2021) Linguistic issues in comments on "Alfiya". “Alfiya”ga oid sharhlarda tilshunoslik masalalari. Scientific electronic magazine "21st century: issues of science and education". #3, 2021. ISSN: 2181-9874 SJIF 2021: 6.23 1-9 p. (in Uzbek) retrieved from www.sharqjurnali.uz
7. Abdupattaxov, J.M. Phonetic and written system of the Arabic language. (2024). Arab tilining fonetik va yozuv tizimi. – Toshkent: TSUOS. – Number of permission 25-UM (03), Fev., 2024. 81-82 p. (in Uzbek)
8. Al-Azhari, Zayniddin. (kh. 1310). Students' training in the art of parsing. Manuscript. Tamrin at-tullab fi sina’at al-i’rab. Egypt. – Al-Cairo. 156 p. (in Arabic)

9. Ibn Hajib, J. (H1428/G2002). Sufficient with the comprehensive objectives of the sufficient. Kafiya ma'a-l-Vafiya bi-maqosid Al-Kafiya. – India: Maktabatu Hijaz Devband. – 216 p. (in Arabic)
10. Lexeme “Brain rot” retrieved from: <https://corp.oup.com/news/brain-rot-named-oxfordword-of-the-year-2024/>
11. Ж. Абдупаттахов. Араб тили лафзий изофа бирикмасининг ўзбек тилида ифодалаш муаммолари (Холид ибн Абдуллоҳ ал-Азҳарийнинг "Тамрин ат-туллаб фи синоат ал-эъроб" асари мисолида). INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE. June , 2022 Boston, USA.
Published June 19, 2022 | Version v1.
DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.6667452>
12. Abdupattaxov, J.M. “Алфия”га оид шарҳларда тилшунослик масалалари. XXI-ASR: FAN VA TA'LIM MASALALARI. Ilmiy electron jurnali. – 2021. - №3. (www.sharqjurnali.uz) 39-45 p.
13. Abdupattaxov, J.M. View of problems of recreating the izafet combination in Uzbek language (based on Arabic). Қаратқичли аниқловчи/аниқланмиш бирикмасининг ўзбек тилида тикланиш муаммолари (араб тили мисолида). Oriental Journal of Philology, Vol 05, Issue 03, 2025. ISSN: 2181-2802 5(03), May, 2025. <https://supportscience.uz/index.php/ojp/article/view/2058/1911> DOI: <https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-36> P.334-343
14. Saliyeva, M.K; Abdupattakhov, J.M. (2020) Peculiarities of journalism in modern Arab countries. Zamonaviy arab mamlakatlari jurnalistikasining o'ziga xos xususiyatlari. Forum of Uzbekistan translators – 2020. Collection of scientific articles. Recommended for publication by decision of the Council of the TSUOS. volume 4(26), Nov., 2020. 309-313 p. (in Uzbek)
15. <https://web.archive.org/web/20210113063433/https://www.academia.edu/38100372/>
16. | Wiki Wic | مشاكل الترجمة الفورية | نصائح وإرشادات لحلها. ويكي ويك
17. Абдупаттахов Ж. М. ДИПЛОМАТИК ЁЗИШМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИДАГИ ХОСЛИКЛАР (МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА) //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 25. – С. 200-208.
18. Abdupattaxov J. Pilgrimage tourism: promising directions, problems and solutions //Конференции. – 2021.
19. Abdunabiev, S. B. (2023). ARAB TILIDAN O'ZBEK TILIGA O'ZLASHGAN SO'ZLARNING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI. ZAMONAVIY TARAQQIYOTDA ILM-FAN VA MADANIYATNING O'RNI, 2(6), 94-97.